


# Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1999 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

● 10 сентябр, №37 (3524) ●


## ҚИРҒИЗИСТОНДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

***Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, Қирғизистон жанубидаги вазият танглигича қолмоқда***

Жиноий тўдалар Қирғизистон ҳудудига дастлаб август ойининг бошида бостириб кирган эди. 20 кишидан сал ортиқ бўлган диверсиячи-террорчилар гуруҳи 5 кишини гаровга олиб, Ўзбекистон ҳудудига тўсиқсиз ўтиш имконини яратиб бериш ҳақида шарт қўйди.

Шу пайтдан бошлаб минтақадаги вазият тобора кескинлаша борди. Тожикистон ҳудудидан Ўш вилоятининг Боткент ва Чўн-Олой туманларига янги-янги диверсион террорчилар гуруҳи кириб кела бошлади.

Жиноятчилар диверсия-террорчилик фаолиятининг энг синалган усулларини қўлламоқда. Улар кўприклар, мактабларни портлатмоқда, маҳаллий аҳолига зўравонлик қилмоқда. Ўнлаб кишини гаровга олган. Гаровга олинганлар орасида Япониянинг 4 фуқароси, Қирғизистон Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлар қўмондони бор.

Кейинги воқеалар ривожи таҳлили гап айрим диверсион, террорчилик ҳаракатлари устида эмас, экстремистик кучлар, бир қанча ислом давлатларининг минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқариш, Марказий Осиё давлатларига террорчилик ва диний экстремизмни олиб киришга қаратилган изчил, муайян мақсадга йўналтирилган бузғунчилик фаолиятида эканини кўрсатмоқда.

Қирғизистонда ўрнашиб олган жангарилар, улар ортида турган экстремистик кучлар, шу жумладан Афғонистон Ислом Давлати ва Тожикистон Республикасидаги ана шундай гуруҳлар ҳам, Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасида ихтилоф келтириб чиқариш, Ўзбекистоннинг ўзида ҳамда Марказий Осиёдаги бошқа давлатларда диверсион-террорчилик ва бузғунчилик ишларини амалга ошириш учун таянч базалари, лагерлар, плацдармлар ташкил этиш мақсадида мувофиқлаштирилган босқинчилик ҳарбий хатти-ҳаракатларини уюштирмоқда.

Шу нарса аниқландики, жангариларнинг ҳаракат йўналишлари, уларнинг база ва лагерларининг жойи илгаридан, сўнгги 2-3 йил мобайнида белгилаб олина бошланган.

Жангариларнинг бузғунчилик фаолияти миқёсининг тобора кенгайиб бориши ҳам эътиборни тортади. Боткент туманига бостириб кирган жиноятчилар тўдаси дастлаб 21 кишидан иборат бўлган бўлса, бугунги кунга келиб, Боткент ва Чўн-Олой туманларида энг замонавий қуролларга эга, Афғонистон, Тожикистон ва Чеченистондаги турли террорчилик марказларида тайёргарлик кўрган жангариларнинг сони, турли маълумотларга қараганда, 400дан 700 кишигача етади. Улар чиқиш қийин бўлган тоғли жойларга ўрнашиб олиб, Қирғизистон жанубидаги стратегик жиҳатдан муҳим аҳоли пунктларини (Зардоли, Қўрғон, Ҳожи Очган, Янги Довон ва бошқаларни) назорат қилиб турибди.

Қирғизистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган жиноятчи тўдалар таркибида Қирғизистонга Тожикистон Республикаси ҳудуди орқали ўтиб олган турли миллатга мансуб ёлланган шахслар: тожиклар, ўзбеклар, қирғизлар, покистонликлар, араблар, афғонлар жанг қилаётгани ҳақида ишончли далиллар бор.

Шундай қилиб, Тожикистон ва Қирғизистоннинг бир қанча мансабдор шахсларининг (Тожикистон Республикаси Президентининг Матбуот котиби З.Саидов, Қирғизистон мудофаа вазирлиги Бош штаби бошлиғи Н.Чомоев ва бошқаларнинг) Боткентда ''Ўзбекистон ислом ҳаракати'' деб аталмиш ташкилот жангарилари жанг қилаётгани, уларнинг асосий мақсади диверсия ва террорчилик ҳаракатларини амалга ошириб, вазиятни издан чиқаришдан иборат экани ҳақидаги баёнотлари ҳақиқатга тўғри келмай қолди. Қирғизистон ҳамда бошқа бир қанча мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари бу фикрларга ёпишиб олиб, жамоатчиликка қирғизлар бошига ёпирилган барча ''кулфат'' мана шу ''ўзбек муаммоси''дан келиб чиқмоқда, деган фикрни сингдиришга ҳаракат қилмоқда.

Аммо, бугун шу нарса равшан бўлдики, бандитизмнинг миллати йўқ, жангарилар гуруҳларининг кейинги ''байналмилаллашуви'' Тожикистонда ва Қирғизистон жанубида халқаро терроризм марказининг вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин. Бу эса, минтақанинг барча давлатлари ва МДҲнинг бошқа давлатларига жиддий ва бевосита хавф туғдиради. Мазкур стратегиянинг ғоявий йўлбошчиларида шундай фикр туғилдики, Қирғизистоннинг амалда муҳофазасиз, чегара ёки бошқа ҳарбий қисмлар томонидан қўриқланмаётган Ўш ва Жалолобод вилоятлари улар учун ўзларининг узоққа мўлжалланган режаларини осонгина амалга ошириш, энг аввало, диний экстремизм, терроризм ва наркобизнесни ёйиш учун ниҳоятда қулай база бўлиши мумкин.

Қирғизистон ва Доғистондаги жангарилар гуруҳлари хатти-ҳаракатларининг тактикаси, шакли ва усулларини солиштириш, воқеаларнинг деярли бир пайтда бошланиши, уларнинг раҳнамоларининг ғоявий қарашлари бир хил экани ва бошқа кўплаб объектив омиллар экстремистик кучларнинг МДҲ ҳудудининг турли минтақаларида, энг аввало, Шимолий Кавказ ва Марказий Осиёда кенг кўламли, мувофиқлаштирилган ''ҳужуми''дан далолат беради.

Олинаётган маълумотлардан кўринадики, ''Боткент муаммоси'' сурункали шакл касб этмоқда ва унинг оқибатларини олдиндан аниқ айтиш қийин.

Юзага келган шароитда шу нарса аён бўлдики, Қирғизистон раҳбарлари радикал ислом гуруҳлари туғдираётган хавф-хатарга етарлича баҳо бермаган ҳамда жангариларнинг босқинчилигига муносиб жавоб қайтаролмаган. Қирғизистон раҳбариятининг диний экстремистик оқимлар хавфи ҳақидаги мавҳум баёнотлари ҳам шундан далолат беради.

Ҳукуматнинг тегишли чора-тадбирларни амалга оширмаётгани ва Қирғизистон ҳарбий тузилмаларининг жангариларни йўқ қилиш борасида аниқ режа ишлаб чиқиб, уни муваффақиятли амалга оширишга қодир эмаслиги республикада кенг жамоатчиликни ташвишлантирмоқда. Қирғизистон жамоатчилиги ҳукумат раҳбарларидан мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги, хавфсизлиги ва барқарорлигига тажовуз қилган террорчилик ҳаракати туғдираётган хавфга қарши кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўришни талаб этмоқда. Бу ҳақда жамоатчиликнинг оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари ҳам гувоҳлик бермоқда. Хусусан, депутатлар Марказий Осиё давлатлари ҳамда Россиянинг куч ва имкониятларини бирлаштириб, минтақадаги аҳоли хавфсизлиги ва тинчлигига таҳдид солаётган кучларга зарба бериш лозим деган фикрда.

Шуни қайд этиш лозимки, Қирғизистон жанубидаги танг ҳолатнинг вужудга келиши Тожикистонда кечаётган жараёнларнинг бевосита оқибатидир.

**(Давоми 2-бетда)**

## УМИД ВА ИШОНЧ БЕЛГИСИ

***Бугун Дўрмондаги ижод боғида мамлакат ёзувчиларининг Мустақилликнинг саккиз йиллигига бағишланган байрам тадбирлари бўлади. Бу шодиёнада яқинда Президентимиз Фармонига биноан юксак унвону мукофотлар билан тақдирланган шоир ва ёзувчиларимизнинг шарафланиши эса ижодкорлар қалбига алоҳида сурур бахш этади. Мукофот соҳибларини газетхонларимиз номидан яна бир бор қутлаймиз. Ва шу муносабат билан халқимизнинг ардоқли шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Ориповга мурожаат қилиб, ижод соҳибларининг юксак эътибору эътирофлар билан боғлиқ масъулиятларига доир фикр-мулоҳазаларини сўрадик.***



— Дарҳақиқат, биз бу юксак унвону мукофотларни Президентимизнинг озод Ватанимиз ёзувчиларига муттасил равишда кўрсатиб келаётган ғамхўрлиги, мамлакатимизда маънавият масалаларига бўлган эътибор белгиси сифатида қараймиз, — деб бошлади Абдулла ака ўз сўзини, — Зиёлилар, жумладан ёзувчилар маънавиятнинг оғир-енгилини елкасида кўтариб келаётган фидойи заҳматкашлардир. Албатта, мустақиллик учун босиб ўтилган йилларга назар ташлайдиган бўлсак, кўплаб адибларимиз миллий истиқлол йўлида азиз жонларини фидо қилганларининг гувоҳи бўламиз. Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Беҳбудий, Боту, Элбек каби қанчадан-қанча халқимизнинг чин фарзандлари номи бугун эъзозда. Ҳурриятимиз шарофати билан озодлик йўлида шаҳид кетган ана шундай боболаримизнинг номларини абадийлаштириш юзасидан чиққан қарор ва Юнусободдаги Бўзсув соҳилида Мустақиллик қурбонлари ёдгорлик мажмуини бунёд этишга доир олиб борилаётган хайрли ишлардан ҳамманинг хабари бор.

Агар теранроқ назар ташлайдиган бўлсак, кўпчилик кекса ёшдаги адибларимизнинг ҳам мукофотлар билан сийланиши, ўша фидойи боболар кўрмай кетган яхши кунларни бир даражада уларнинг барҳаёт авлодларига раво кўрилишидир. Сўнгра, балки энг муҳими, бу сийловлар бизнинг адабиётимизга билдирилган жуда катта ишончнинг яққол кўринишидир. Биз, албатта, Мустақилликнинг саккиз йиллиги байрами арафасида иккита катта ижодкоримиз Саид Аҳмад ака ва Эркин Воҳидовнинг қаҳрамонлик унвонларига лойиқ кўрилишини умуман адабий ҳаётимиздаги катта ҳодиса деб қарамоғимиз керак. Яна бу йил халқ шоирлари, ёзувчиларининг сафи ҳам кўпайди. Тўра Сулаймон, Рауф Парфи, Хуршид Даврон, Ҳабиб Саъдулла, Тоғай Мурод каби адибларимизнинг асарларини халқимиз яхши билади. Устозларимиз Бўрибой Аҳмедов ва Фозила Сулаймоновалар «Буюк хизматлари учун» орденининг соҳиби бўлдилар. Улар ўз умрларининг энг азиз дамларини халқимиз маърифатини юксалтиришга бағишлаганликлари шундоқ кўз ўнгимизда турибди.

Шу ўринда «Эл-юрт ҳурмати», «Меҳнат шуҳрати», «Дўстлик», «Соғлом авлод учун» орденлари, «Шуҳрат», ва «Жасорат» медаллари ҳамда юксак унвонлар билан тақдирланган ўнлаб ижодкорларимизни (Уларнинг номлари газеталарда эълон қилинганидан хабарингиз бор.) Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан муборакбод этамиз.

Ўтган саккиз йил мобайнида адибларимиз турли даражадаги унвону мукофотларга сазовор бўлдилар. Агар назар ташлайдиган бўлсак, улардан ҳар бирининг ҳаёт йўли, таржимаи ҳолида она халқ, унинг тили, адабиёти, маърифати, маънавияти, табиати, экологияси учун куйиниш, ижод қилганлик белгиларини албатта топиш мумкин. Ёинки, буларнинг кўпчилиги аввалги мафкура замонларида мутлақо қадрланмаган. Шу боисдан ҳам ушбу мукофотларни тарихий жараёнда адолатнинг ўзига хос тикланиши деб ҳам қабул қилиш керак.

Ўйлайманки, кўпчилик адибларимиз давлатимиз ва Президентимиз тарафидан кўрсатилаётган ғамхўрликнинг туб маъносини тўғри англайдилар. Лекин уларнинг орасида бундай эътирофни қадрлаш даражасига чиқа олмаётганлар ҳам йўқ эмас. Демоқчиманки, ҳар қандай мукофот она халқ, она Ватан меҳридан бир учқундир. Ватан эса бировга мукофотни ундан қўрққани учун бермайди. Инсофли, диёнатли инсоннинг қалбига тушган учқун эса, албатта, гулхан бўлиб ловуллайди. Қолаверса, мукофотлар ҳозирча мукофот олмаган бошқаларни камситиш дегани ҳам эмас. Адабиёт шундоқ бир жараёнки, ундаги ҳар бир тўлқин, ҳар бир мавж ўзининг муносиб баҳосини олади. Шу маънода ижоди ва фаолияти тақдирланганлар орасида ёшларимизнинг кўплиги ғоят қувонарли ҳолдир.

Модомики, адибларимизнинг камтарин меҳнатини Ватанимиз шу қадар қадрлаб турган экан — бу, энг аввало, уларнинг қаламига бўлган умид ва ишончнинг белгиси, деб қарамоқ керак. Биз адабиётда яратилган ва яратилаётган турли авлодга мансуб ижодкорларнинг асарларидан бир қадар қониқиш ҳосил қилмайлик, барибир, янги давримизни тўлақонли, ҳар тарафлама ёрқин акс эттирадиган асарлар яратилди, деб айта олмаймиз. Бу маънода ҳаммамиз, ҳар биримиз ўзимизни Ватан олдида, Истиқлол олдида қарздор ва бурчли деб ҳисоблаймиз.

Хулоса шуки, бу юксак унвону мукофотлар бизнинг Мустақиллик ғоялари атрофида, Президентимиз атрофида огоҳ ва ҳушёр туриб, ҳамжиҳат бўлиб хизмат қилишимиз, ижод қилишимизни тақозо этади.

**М. АБДУЛЛАЕВ ёзиб олди**




***Токи нафас олмоқда чолғу,***
***Ҳаётининг шартидир наво.***
***Куй барҳаёт, мусиқа мангу..., —***

*деганида шоир нақадар ҳақ! Бу дунёда ҳамма нарса ўткинчи, лекин куй, мусиқа, қўшиқ абадий! У тиллардан тилларга, эллардан элларга ўтиб, янги мазмун, янги оҳанг касб этиб яшайверади. Зотан, куй-қўшиқ учун тилмочнинг зарурати йўқ. У ҳеч қандай тилмочсиз ҳам дилларга оқиб кириб, кишилар юрагига йўл топиш қудратига эга. Буни куни кеча азим Самарқандда ўз ишини якунлаган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали иштирокчилари, хусусан, ўзбек хонандаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Насиба Сатторова ҳам исбот қилди. У ижро этган ўзбек халқининг бетакрор миллий наволари минглаб юракларни забт этди, хонанданинг ўзини эса мусиқа санъатининг энг юқори шоҳсупасига — «Шарқ булбули» даражасига кўтарди!*

***2-бет***

## ЎЗБЕКИСТОНДА КОРЕЙС МАДАНИЯТИ ҲАФТАЛИГИ

13-18 сентябр кунлари Тошкентда корейс маданияти ҳафталиги бўлиб ўтади. Бундай байрам мамлакатимизда иккинчи марта ўтказилаётир.

— Мазкур байрам корейс ва ўзбек халқи ўртасидаги ҳар томонлама дўстона муносабатларни ривожлантириш, уларнинг миллий маданиятларини сақлаш ва юксалтириш, шунингдек, халқингиз билан Ўзбекистонда яшовчи корейс миллати вакиллари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш мақсадида ўтказиляпти, — деди Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси консули Чан Хонг Ин жаноблари «Туркистон-пресс» мухбири билан мулоқотда. — Истагимиз шуки, бу ерда истиқомат қилаётган миллатдошларимиз ўз маданиятларини унутмасин ва ўзбек маданиятини ҳам ҳурмат қилсин. Маданият ҳафталиги халқларимизни бир-бирига янада яқинлаштиради. Бу эса, ўз навбатида, кўп қиррали алоқаларимиз ривожида муҳим омил бўлади, деб ўйлайман.

Ҳафталик доирасида Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида корейс тасвирий санъати усталарининг 200дан ортиқ суратлари, корейс халқи амалий санъати ва миллий турмуш тарзига оид кўплаб асарлар, Жанубий Корея адиблари китоблари кўргазмаси намойиши, «Сайилгоҳ» майдонида эса корейс халқ ўйинлари ва урф-одатлари ҳамда келин тушириш маросими ўтказилиши кўзда тутилган.

**«Туркистон-пресс»**

## ЯПОНИЯ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

Мустақил ватанимизнинг жаҳон миқёсидаги обрўи ортиб боргани сайин ҳалқаро маданий алоқалар тобора ривожланмоқда. 7 сентябр куни пойтахтимиздаги Амалий санъат музейида Япония маданияти кунларининг очилиш маросими бўлди.

Биз шу дамгача япон халқининг гўзаллик ҳақидаги тасаввурларини Мацио Басё, Исикава Такубоку, Рюноскэ Акутагава, Ясунари Кавабати каби япон адибларининг мумтоз асарлари орқали билар эдик. Юртимизда Япония маданияти кунлари ўтказилаётгани боис биз бу халқ санъатини, гўзалликка муносабатини бевосита кўриш имконига эга бўлдик. Кўргазмаларда Икэбана — хоналарда, сопол идишларда гул ўстириш, Ошибана — гербарий тайёрлаш санъатларини кўрдик.

Маросимни Япониянинг Ўзбекистондаги элчиси Макаяма Кёко хоним очди. У ўзининг нутқида Япония маданияти кунларининг мазмун ва моҳияти, халқаро аҳамияти ҳақида сўзлади. Макаяма Кёко хоним ушбу маданият кунларини ўтказишга шароит яратиб берганлиги учун Президентимизга миннатдорчилик билдирди.

Юртимизда япония маданияти кунлари бир ойлар чамаси давом этади. Бу кунларда гул санъатларидан ташқари, мусиқа, кинотеатр, миллий либослар ва миллий таомлар тайёрлаш санъатлари ҳам намойиш этилади.

Хуллас, бу кунлари Ясунари Кавабатанинг «Минг қанотли турналар» асаридаги барча миллий урф-одатларни ўз кўзингиз билан кўришга муяссар бўласиз.

## МАЪРИФАТ — КЕЛАЖАК АСОСИ

*Муносабат*

Экранларда ғарб киночилари яратган «Тарзан», «Маугли» филмлари бот-бот кўрсатиб турилади. Киноижодкорлар бу филмлар орқали инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларга тўхталади. Улар инсонни табиат фарзанди сифатида уни авайлаб-асрашга даъват этади. Бу филмларни кўрар экансиз, бошқа бир ҳақиқатдан ҳам огоҳ бўласиз: инсон фақат қорин бандасигина эмас, у маданият, маърифат, маънавиятдан ҳам баҳраманд бўлиши лозим, акс ҳолда у инсоний хислатлардан маҳрум жониворга айланиб қолишини яққолроқ англайсиз. Шунинг учун ҳар қандай даврда жамиятнинг мукаммал ривожи учун ҳам, инсоннинг етук, комиллиги учун ҳам иқтисод, маънавият каби тараққиёт омиллари биргаликда олиб борилмоғи талаб этилади.

Истиқлолга эришган мамлакатимизда иқтисодий масалалар билан биргаликда маънавий, маърифий, маданий жабҳаларга тараққиётнинг икки қаноти сифатида эътибор берилаётганлиги қувонарлидир. Бунинг маълум сабаблари бор. Етмиш йилдан ошиқроқ ҳукмронлик қилган собиқ иттифоқ даврида бойлик яратиш, иқтисодий масалалар бирламчи масала сифатида қаралар, маънавият, маданият ишларига, хусусан, миллий республикалар маданияти, маънавияти масалаларига кам эътибор бериларди. Натижаси эса маълум: шўролар давлатига путур етди, одамлар онгида тараққиёт омиллари ҳақида нотўғри тасаввурлар пайдо бўлди. Мустақил давлатимиз илк қадамларидан бошлаб бундай нотўғри қарашлардан халқимизни халос этишга, иқтисод ва маънавият тараққиётнинг бош омиллари эканлигини намоён қилишга ҳаракат қилиб келмоқда. Президентимизнинг «Республика Маънавият ва маърифат Кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони ҳам шу йўлдаги жиддий саъй-ҳаракатлардан биридир.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Хўш, шу пайтгача, ушбу Кенгаш тузилгунча бизда маънавият, маърифат, маданият ишлари билан шуғулланадиганлар йўқмиди? Бор эди. Бу борада вазирликлар, қўмиталар, компаниялар, уюшмалар, жамғармалар ва бошқа кўплаб ташкилотлар иш олиб борардилар. Лекин улар ишини мувофиқлаштириш, ўзаро ҳамкорликларини кучайтириш, уларнинг жойлардаги ролини ошириш зарурати туғилганди.

Фармонда Кенгаш ниҳоятда кенг миқёсда фаолият кўрсатиши лозимлиги таъкидланган. Унинг асосий йўналишларидан бири қилиб «Жаҳолатга қарши маърифат» ғояси танланган. Негаки, маърифат бўлмаган жойда жаҳолат кучаяди. Маърифат эса бу ўринда илмсизга илм бермоқдан иборат бўлган тор тушунча эмас. Бугун бизда илмсиз, саводсиз одамнинг ўзи йўқ. Дунё ташвишларидан бехабар инсон топилмаса керак. Шунинг учун бугунги кунда маърифат тушунчаси остида инсоннинг ўз илмидан юрти, халқи учун, келажаги учун қай даражада фойдаланиши фикри ётади.

Бугунги маърифат тушунчаси остида инсоннинг ўз юрти тарихини, халқи қадриятларини қай даражада билиши, меросидан баҳрамандлиги, Ватанига муҳаббати туйғулари ётади. Бу ўринда маърифат юртга фидойилик, унга садоқат, уни улуғлаш тушунчаларига айланади. У аждодлар меросини ўрганиш билан бирга дунёвий илмларни ўрганмоқликни ҳам талаб қилади.

Ҳозирги пайтда маърифат инсоннинг фақат дунёвий илмлардагина эмас, диний илмларда ҳам мукаммалликка эришишини талаб қилмоқда. Шундай экан, айни пайтда биз ислом динини, унинг ақидаларини мукаммал биламиз, деб айта оламизми? Унга муносабатимиз юзаки, кўр-кўрона бўлиб қолмаётибдими? Диний илмсизлигимиз орқали исломга хос бўлмаган ишларга ҳам бош қўшаётганимизни билмай қолмаётибмизми? Демак, маърифат диний соҳада ҳам керак. Ана шунда биз маъқулни номаъқулдан ажрата оламиз.

Ушбу Фармоннинг эълон қилиниши ва унинг ҳаётимизга тадбиқ этилиши мамлакатимизда улуғвор ўзгаришларни бошлаб беришига шубҳа йўқ!

**К. МУҲАММАД ЁҚУБ**

## ДУНЁНИ ЛАРЗАГА СОЛГАН ЎЗБЕКЛАР

Америка Қўшма Штатларида бўлиб ўтадиган бокс бўйича жаҳон чемпионатига кетишдан олдин терма командамиз бош мураббийси Владимир Шин асосан Руслан Чагаев, Сергей Михайлов, Лазизбек Зокировларга катта умид боғлаган эди. Аксига олиб чемпионатнинг финал босқичида бўлиб ўтган «жангларда» уларнинг ҳаммаси мағлуб бўлди. Жаҳон чемпионлиги Ўткир Ҳайдаров билан Муҳаммадқодир Абдуллаевга насиб этди.

Аслида Ўткир Ҳайдаровнинг ушбу жаҳон чемпионатида қатнашиши ҳам номаълум бўлиб турган эди. Мусобақага саноқли кунлар қолгандагина мураббийлар уни рўйхатга киритишган эди. Ўткир мураббийларнинг, жамики юртдошларимизнинг ишончини оқлади.

63 килограмм вазнда олтин медални қўлга киритган Муҳамадқодир Абдуллаев эса азалдан бокс ихлосмандларининг назарига тушган эди. У бундан олдинги жаҳон чемпионатида ҳам муваффақиятли қатнашган. Жаҳон кубогини ҳозирги бош мураббий Владимир Шиндан сўнг иккинчи бўлиб мамлакатимизга олиб берган эди. АҚШдаги сўнгги жаҳон чемпионати Муҳаммадқодирнинг шуҳратини янада баландлатди.

Чемпионларни АҚШ сафаридан кутиб олар экан, собиқ жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев тўлқинланиб шундай деди:

— Бундай воқеликнинг юз бериши муқаррар эди. Бироз кечроқ бўлса-да, ўзбек халқининг 25 йиллик орзуси амалга ошди. Биз Ўткир Ҳайдаров билан Муҳамадқодир Абдуллаевнинг ушбу ғалабасини жуда узоқ кутдик. Ниҳоят, совет тузумининг «Ўзбекистондан жаҳон чемпиони чиқмайди. Руфат Рисқиев биринчиси ва сўнгисидир», деган уйдирмалари бир чақага ҳам арзимай қолди.

Мен хурсандман. Ҳаммасига раҳмат, ҳаммасига шукур. Демак, юртимизда Руфат Рисқиевлар сони учтага етди...

Ҳақиқатдан ҳам Руфат Рисқиев ҳақ гапни айтди. Биз ушбу жаҳон чемпионатида иштирок этган чемпионларимиз билан фахрланишимиз, уларни эъзозлашимиз лозим. Қолаверса, терма командамизнинг умумий ютуғи ҳам ниҳоятда қувончли. Улар умумкоманда ҳисобида учинчи ўринни қўлга киритишди.

**Нормурод МУСОМОВ**

*Янги томоша*

## «ОЙ ЁРУҒИ ОЛАМГАЧА»

Абдулла Қаҳҳор номидаги республика Сатира театри ижодий жамоаси ёш томошабинларни янги эртак-пьеса билан хушнуд этди. Эргаш Раҳимов қаламига мансуб бу асарни театр режиссёри Ҳабибулла Файзиев саҳналаштирди. Мусаввир А. Батиков эртак мазмунига мос саҳна безакларини яратишга муваффақ бўлган. С. Содиқов танлаган мусиқалар эса эртак руҳини яхши очган.

Асар шу кунгача Тошкент шаҳрида, Наманган, Бухоро, Қаршида мактаб ўқувчиларига 150 мартадан ортиқ намойиш этилди. Томошабинлар спектакл ҳақида яхши фикрлар билдирмоқдалар. Асар муваффақиятида, шубҳасиз, асосий ролларни ижро этган Асрор Тошкенбоев (Сеҳргар), Луиза Тожибоева (Зуҳра), Жамшид Хўжаев (Ҳасан), Эргаш Раҳимов (Шайтон) каби актёрларнинг хизматлари катта.

# ҚИРҒИЗИСТОНДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

*Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, Қирғизистон жанубидаги вазият танглигича қолмоқда*

(Боши 1-бетда.)

И.Раҳмонов бошчилигидаги ҳукумат томонидан ички вазиятни барқарорлаштириш, мамлакатни танг ҳолатдан олиб чиқиш борасида кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, Тожикистондаги ҳолат ҳам тобора кескинлашмоқда. Ихтилофлар, турли гуруҳлар ўртасидаги қуролли тўқнашувлар кучаймоқда, жиноятчилик авж олмоқда.

Вужудга келган вазиятнинг асосий сабабларидан бири — мухолифат қуролли кучларининг Тожикистон ҳарбий кучларига келиб қўшилиши жараёнининг тўлиқ тугалланмаганидадир. Бирлашган тожик мухолифати раҳбарияти жаҳон жамоатчилигига ўз ҳарбий бўлинмаларининг тарқатиб юборилгани тўғрисида баёнот берган бўлса-да, аслида ислом мухолифати Тожикистон Республикаси қуролли кучлари сафига фақат бир қисм жангариларини қўшган, улар ўз гуруҳларининг ихтиёрий равишда тўлиқ қуролсизланишини амалга оширмоқчи эмас.

Мавжуд маълумотларга кўра, бирлашган тожик мухолифатининг таниқли вакиллари ва ҳарбий командирлари, жумладан, Саид Абдулло Нурийнинг ўзи, республиканинг ҳукумат назоратидан холи жойларида, жумладан, Тавилдара, Жирғитол туманларида ва умуман Гарм ва Қоратегин ҳудудида жойлашган ўзларига қарашли қуролли гуруҳларни дахлсиз сақлаб қолган. Ушбу бўлинмалар Душанбе расмий ҳукуматининг барча тақиқларига қарамасдан, доим жанговар ҳолатда туради, озиқ-овқат ва бошқа моддий захиралар билан таъминланади.

Бирлашган тожик мухолифати Тожикистоннинг қонуний ҳукуматига қарши курашда иштирок этган ўзбекистонлик экстремистлар, жангарилар гуруҳларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда давом этмоқда. Ҳукуматнинг мазкур экстремистик гуруҳларни қуролсизлантириш ва уларни Ўзбекистонга топширишга йўналтирилган ҳар қандай уриниши бирлашган тожик мухолифатининг қатъий қаршилигига учрамоқда. Бундай хатти-ҳаракатлар нафақат Тожикистон Республикасидаги қуролли зиддиятнинг янги босқичини бошлаб бериши, балки минтақадаги вазиятни издан чиқариб юбориши мумкин. Қирғизистон жанубидаги воқеалар бунинг яққол далилидир.

Ҳозирги пайтда Қирғизистонда жанг қилаётган жиноятчи гуруҳларнинг кўпчилиги бирлашган тожик мухолифати томонидан тайёрланган. Ушбу отрядлар фаолияти Қирғизистон билан чегарадош Жирғитол, Ҳайит аҳоли пунктларидан туриб бошқарилмоқда. Улар бирлашган тожик мухолифати назорати остидаги ҳудуддан қурол-яроғ ва ўқ-дори билан таъминланмоқда.

Диверсион-террорчилик тўдалари ортида афғонистонлик ҳомийлар ҳам турибди. Бирлашган тожик мухолифати етакчилари, жиноятчи тўдалар раҳбарлари "Толибон" ҳаракати билан ҳам мустаҳкам алоқада экани ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистон ҳукумати юзага келган вазиятда чегаралар хавфсизлигини таъминлаш, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаш бўйича кескин чора-тадбирлар кўрмоқда. Ўзбекистон қуролли жиноий тўдалар ҳужумига қарши курашда Марказий Осиёдаги барча мамлакатларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ташаббуси билан чиққан эди. Шу йилнинг 28 августида, босқинчилик энг авжига чиққан пайтда Ўш шаҳрида минтақа давлатларининг ташқи ишлар ва ҳарбий вазирларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш якунлари бўйича ҳарбий муассасаларнинг жиноий тўдаларга қарши самарали кураш олиб бориши бўйича саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш механизмлари белгилаб олинди, Қирғизистон Мудофаа вазирлиги ҳузурида бирлашган оператив гуруҳ ташкил этилди. Бу гуруҳга Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Тожикистон вакиллари билан бир қаторда, Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг катта офицерлари ҳам киритилган.

Марказий Осиё минтақасида экстремизм ва терроризмга қарши биргаликдаги кураш, Қирғизистон жанубидаги муаммони ҳал қилиш масалалари мамлакатимизга ташриф буюрган Россия мудофаа министри И.Сергеев билан мулоқот пайтида муҳокама қилинди.

Қирғизистон томонининг илтимосига кўра, Ўзбекистон Ҳарбий ҳаво кучлари жангарилар тўпланган жойлар, стратегик коммуникацияларга муваффақиятли зарбалар берди. Бу зарбалар босқинчилик ёйилиб кетишининг олдини олишда самарали омил бўлди.

Ўзбекистонда давлат чегарасини ҳимоя қилиш тизимини кучайтиришга доир чоралар кўрилмоқда. Мамлакат Қуролли кучларининг қисм ва бўлинмалари, ҳарбий тузилмалари диверсион-террористик гуруҳлар содир этиши мумкин бўлган ҳужумга қарши зарба беришга шай ҳолда турибди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов қайта-қайта таъкидлаганидек, Қирғизистон жанубидаги ҳарбий ҳаракатлар шунчаки терроризм ёки босқинчилик эмас. Бу - Марказий Осиё минтақасида кечаётган мураккаб жараёнларнинг натижасидир. Бу - халқаро экстремистик кучлар томонидан пухта ўйланган, Марказий Осиё давлатларида террорчилик ва босқинчилик йўли билан конституцион тузумни ўзгартириш, дунёвий демократик давлат қуришга йўналтирилган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ислоҳотларни издан чиқаришга йўналтирилган катта стратегиянинг бир бўғинидир.

Ўзбек халқининг: "Қўшнинг тинч - сен тинч", деган мақоли бор. Ўзбекистон халқи ҳам хурсандчилик, ҳам синов дамларида ҳар доим Қирғизистоннинг матонатли халқи билан бирга бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Жиноятчи тўдалар буни унутмаслиги лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти бундан бир йил муқаддам Ватанимизнинг мустақил ва жанговар чегара қўшинларини тузиш ва Ўзбекистон чегаралари қўриқланишини кучайтириш чора-тадбирларига доир қарор қабул қилгани тўғри бўлганлигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Хавфсизликни, мамлакат суверенитетини, мустақиллик ютуқларини ҳимоя қилиш - давлатнинггина эмас, ҳар бир фуқаро, ҳар бир ватанпарварнинг масъул бурчидир.

# АТОҚЛИ ҲАЙКАЛТАРОШ, ОЛИЖАНОБ ИНСОН

Куни кеча дарёдай айқириб, бўрондай ҳайқириб, юрт оғирини енгил қилган, енгилини бирга баҳам кўрган фидойилар, бир дастурхондан нон еб, чой ичган ёру биродарлар бугун орамизда йўқлиги қалбларни ларзага солади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ҳакимхўжа Ҳусниддинхўжаев 1928 йил Тошкент шаҳрида, ишчи оиласида дунёга келган. У туғилган оила жўжабирдай жон бўлгани туфайли ўғил ота ёнига кирди, эрта иш бошлади. Ким билсин, отаси қурилишларда ишлагани, Ҳакимхўжанинг ҳам куни ўша ерларда ўтгани учунми, негадир, унда авваламбор ганчкорликка, кейин ҳайкалтарошлик санъатига ҳавас уйғонди, қолаверса, маълум ва машҳур Уста Ширин қўлида тарбияланди, унинг етук шогирди бўлиб танилди.



Кунлар, ойлар ўтди... 1948 йили у Бенков номидаги Республика бадиий билим юртига ўқишга кирди, сўнг 1956 йилдан бошлаб Ҳамза номидаги Санъатшунослик институтининг бадиий таъмирлаш устахонасида таъмирловчи бўлиб ишлади. Кези келганда профессор Пугаченкова раҳбарлигидаги археология экспедициясида ҳам иштирок этди, Холчаён ва Далварзинтепа сингари қадимий шаҳар ва қишлоқларни қазиш, текшириш ишларига ҳисса қўшди. Ноёб ва нодир санъат намуналарини кунт билан ўрганди, илмий асослашга уринди. Шу боис у Санкт-Петербургдаги Репин номидаги тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик ва архитектура институтининг сиртқи бўлимига ўқишга кириб, уни 1972 йили тамомлади.

Ҳакимхўжа ҳайкалтарошлик чўққиларига қадам қўйганида бир довон эмас, бир неча довон ошди, десак муболаға бўлмайди.. Чунки чўқмолидан нур чақнаб, маҳорати сайқал топа бошлади, ижодий фаолиятида миллий образлар пайдо бўлиб, теран тафаккур ниш урди, монументал ёдгорликлар муҳим ўрин эгаллади. Буюк Самарқанд шаҳрининг айни марказидаги буюк сиймолар — Мир Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий шарафига қўйилган ҳайкал, Иккинчи жаҳон уруши қурбонлари хотирасига ўрнатилган монументлар шулар жумласидандир. Айниқса, портрет жанрида заҳмат чеккан санъаткор учун асар қаҳрамонининг ички дунёси, «сирли кайфияти» унинг чеҳрасида акс этиши, нечоғлик муҳим бўлса, ҳайкалтарош Ҳусниддинхўжаев тасвирида булар шунчалик ёрқин ва яққол кўринади.

Санъаткор талантининг таҳсинга сазоворлиги Алишер Навоий ва Садриддин Айний, Муқимий ва Бобур, Охунбобоев ва Рашидов ҳайкалларини яратишда бетакрор қиёфа топганлигидадир. Абу Али ибн Сино юбилейи муносабати билан эълон қилинган жаҳон танловига тақдим этган лойиҳаси учун рағбатлантирувчи мукофот олади ва уни аллома туғилган Бухорои шарифдаги Афшона қишлоғига ўрнатишдай мўътабар ҳуқуққа эга бўлади. 1981 йил унга бир қатор эл оғзига тушган йирик асарлари эвазига Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти берилади.

Монументал ўзбек санъатининг етакчиларидан бири, таниқли ҳайкалтарош Ҳакимхўжа Ҳусниддинхўжаев, минг афсус, умрининг авжи мақомида, 1986 йилнинг 23 августида оламдан бевақт кўз юмди. Бугун биз уни дил-дилдан эслар эканмиз, у яратган гўзал ва бебаҳо санъатга қизиқишим қанчалик кучли бўлса ҳам, унинг ижод ва ҳаёти ҳақида батафсил ва одилона фикр алмашишни билимдон касбдошларига, ҳурматли санъатшунос олимларга ҳавола этаман. Мен эса атоқли ҳайкалтарош, олижаноб инсон яратган санъат мўъжизасининг чин мухлиси бўлиб қолавераман.

**Рамз БОБОЖОН,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

# МАРАЗ

Ставрополь ўлкасининг нўғайлар истиқомат қиладиган шарқий қисмида бундан бир неча йил бурун Доғистонда кузатилган ҳодисани эслатувчи жараён юз бермоқда. Бу ерда Чеченистондаги мусулмон оламининг ўта радикал ваҳобийлар оқимига мансуб жангарилар тайёрланаётган лагерларини битириб чиқаётганлар аста-секинлик билан йиғилмоқда.

Бугунги кунда Ставрополь ўлкасидаги ваҳобийлар сони юзга яқин кишини ташкил этади. Махсус хизмат маълумотларига қараганда, нўғай миллатига мансуб тахминан 50 нафар ваҳобий Басаев билан Хаттабнинг Доғистонга қилган босқинчилик юришида иштирок этган. Ставропольлик нўғайлар бунинг учун дастлаб Чеченистонга ўтиб, жангариларнинг байналмилал отрядларига қўшилган. Ставрополь ўлкасида истиқомат қилаётган, исломнинг мазкур оқимига мансуб яна шунча киши ўз элатдошларининг етакчи гуруҳига қўшилишга ҳаракат қилган, аммо турли сабабларга кўра, ниятларига эриша олмаган. Жангарилар тўдасига қўшилганлар ҳам, қўшила олмаганлар ҳам ўз вақтида Чеченистон ҳудудидаги жангариларни тайёрлаш курсларида тайёргарликдан ўтган, Ставрополь ўлкасида эса қулай фурсатни кутиб, захирадагилар сифатида истиқомат қилган.

Ставрополь ўлкасидаги ваҳобийлар Доғистондагига қараганда кам, албатта. Бироқ улар ўз мақсадига эришиш учун ҳеч нарсадан қайтмайди. Улар қўлга киритган дастлабки «ютуқ» - нўғайлар истиқомат қилаётган йирик аҳоли пунктларидаги бир қанча масжид устидан назорат ўрнатиш бўлди. Уларни анъанавий ислом тарафдорлари, лекин ҳозир масжидларга бормай қўйган кекса кишилар мутлақо қизиқтирмайди. Улар ёшларни йўлдан оздириш билан банд.

Уларнинг кирдикорлари ҳам Доғистонда юз бераётган вокеаларни эслатади. Ставрополь ўлкасидаги ваҳобийлар ўрнашиб олган жойларда бундан бир ярим йил муқаддам Кавказдан русларни йўқотиш ҳақидаги талаблар баён этилган варақалар пайдо бўлган эди. Кейинчалик ўлканинг шарқий қисмидаги экстремистларнинг изи жангариларнинг Доғистоннинг Бўйноқ шаҳридаги ҳарбий қисмига бўлган ҳужумида ҳам акс этди.

Шу нарса диққатга сазоворки, Ставрополь ўлкасидаги диний экстремистларнинг биронтаси ҳам ўз қилмишига яраша жазо олгани йўқ. Қидирув эълон қилинган жиноятчилар Чеченистон чегарасида жон сақлаб юрибди. Ўлкада ўтган йили миллий нафрат уйғотишга даъват этувчи варақалар тарқатиш бўйича қўзғатилган учта жиноий иш на варақа муаллифларини ва на уни тарқатувчиларни топиш имконини берди.

Бу борада ўлка маъмурияти томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар мутлақо етарли эмас. Ҳокимиятнинг қўли калталигини зарур қонуний имкониятларнинг етишмаслиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Чунки ваҳобийлик қонун томонидан экстремистик оқим сифатида таъқиқлаб қўйилмаган. Бунинг устига, прокуратура ходимларининг фикрича, ҳатто Чеченистондаги жангарилар тайёрланадиган лагерларнинг битирувчилари ҳам жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Амалдаги қонунчиликка биноан, бунинг учун етарли юридик асос йўқ. Кимнинг қаерда, нимадан сабоқ олганини исботлашнинг иложи йўқ эмиш.

Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, ўлка ички ишлар бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи генерал-майор Николай Мамонтовнинг гапига қараганда, ҳозир Чеченистонда қўшни ҳудудларга қуролли юришлар қилиш вазифаси юкланган нўғай жангариларидан иборат полк тузилмоқда. Генералнинг айтишича, мазкур полкда Ставрополь ўлкаси қишлоқларидан келган кўнгиллилар ҳам бор.

**Николай ГРИТЧИН**
**Ставрополь ўлкаси**

## *Жаҳондаги барча ваҳобийларнинг тактика ва стратегияси бир хил*

Бундай жараёнлар Ставрополь ўлкасидагина эмас, бир қанча қўшни минтақаларда ҳам юз бермоқда. Мутахассислар Астраханда бир неча йилдан буён ислом динини қабул қилган славян ва арманиларни ўз сафига фаоллик билан жалб этаётган имом Айюб раҳбарлигидаги ваҳобийлар тўдаси бемалол ва очиқдан-очиқ фаолият кўрсатиб келаётганини жуда катта хавф сифатида эътироф этмоқда. Жиҳод масаласида Айюбнинг тўдаси, ҳатто ваҳобийлардан ҳам ўтиб кетмоқда, бундан ташқари, у ваҳобийликни энг фаоллиги ва тарғиботчи экани билан ҳам фарқ қилади. Айюб бошқа ваҳобий имомлар сингари, бундан ўнлаб йиллар бурун Жазоирни исломийлаштириш жараёнида ишлаб чиқилган, у дунёси ҳам, бу дунёси ҳам куйган каллакесарларни ўз тўдасига тортиш тактикасини қўллайди, тарғибот ишлари эса мусулмонлар истиқомат қиладиган жойларда, асосан қашшоқ ва хароб қишлоқларда олиб борилади. Оила бошлиғи ўз ўғлини ваҳобийлар мадрасасида ўқишга юбориши учун унга юз доллар берилса бас. Ташқаридан олинаётган садақалар эвазига кун кўраётган ваҳобийларнинг минтақавий марказлари маблағи ҳисобига масжидлар (Махачқалъа, Астрахан, Хасавюрт, Бўйноқ, Майкоп ва бошқа шаҳарларда), мадрасалар ҳамда ёш толиблар (шогирдлар) ҳарбий тайёргарлик кўрадиган «ёзги лагерлар» қурилмоқда. Ҳарбий тайёргарликнинг асосий базалари Чеченистонда. Албатта бу муаммонинг асосий сабаби - Чеченистон ҳудудининг федерал ҳокимият назоратига бўйсинмаётгани муаммосини кескин ечиш билангина ҳал қилинмаётганида. Айни пайтда жаҳонда тобора авж олаётган ислом фундаментализми сингари нохуш жараён Ғарбий Европада (асосан Францияда) маҳаллий араб ва турк аҳолисини «ваҳобийлаштириш»да Шимолий Кавказдаги усуллар қўлланилмоқда.

**Евгений КРУТИКОВ.**
**»Известия» газетасининг**
**1999 йил 4 сентябр сонидан**

# РЕГИСТОН УЗРА НАВОЛАР

*«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали якунларига доир баъзи мулоҳазалар*

Аввал хабар берганимиздек, Самарқандда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа анжумани иккинчи марта ўтказилди. Ғолиблар Олий совринларни қўлга киритдилар. Ҳамюртимиз Насиба Сатторованинг мумтоз қўшиқлари, ижрочилик маҳорати, унга жўр бўлган созандаларнинг ижрочига оҳангдошлиги юксак баҳоланиб унга фестивалнинг «ГРАН ПРИ» соврини топширилди. Биринчи мукофотга Жанубий кореялик Юн Конг Сон ҳамда Саудия Арабистонидан келган санъаткор Муҳаммад Омон сазовор бўлдилар.

Иккинчи мукофот ҳиндистонлик Жаспиндер Нурула хоним ва гуржи санъати вакиллари — «Лашари» дастасига насиб этди. Учинчи ўрин мукофотига эса покистонлик ижрочилар Али Ҳамидхон билан Фотиҳ Али Хон ҳамда тожикистонлик қўшиқчи Олим Бобоевлар муносиб кўрилдилар.

ЮНЕСКОнинг махсус совринини Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўлмас Саиджонов билан машҳур ғижжак устаси Абдуҳошим Исмоиловга топширилди. Шу совринга кўра улар Европа мамлакатлари бўйлаб ижодий сафарда бўладилар ва ҳар бирларининг ижодий фаолиятлари тўғрисида ЮНЕСКО ҳомийлигида филмлар тайёрланади.

ЮНЕСКО ҳамда «СОНИ» фирмаси томонидан таъсис этилган махсус совринлар ўзбекистонлик моҳир режиссёр Баҳодир Йўлдошев, балетмейстер Холида Муҳиддинова ҳамда озарбойжонлик Газнафар Аббосовга топширилди. Фестивал ҳайъати аъзоларининг совринини эса туркманистонлик Ёзмурод Чопонов билан украиналик қўшиқчи Елена Куликка насиб этди.

Лекин совриндор бўлганлар фақат шулар эмас. Самарқанд фестивалида қатнашган ҳар бир киши, ҳар бир санъаткор ўзи учун ниманидир кашф этди, ниманидир топди, миллий мусиқа санъатининг улкан уммони марваридларидан баҳраманд бўлди. Миллатнинг, юртнинг қалбини, мақсадини худди ойнадай равшан ифодаловчи мусиқа, куй-қўшиқлар, то халқ бор экан, миллат бор экан, ўлмаслигига, умри боқий эканлигига ҳамма яна бир бор амин бўлди.

Ўзаро суҳбатларда, баҳс-мунозараларда, гап, шубҳасиз, мусиқада мумтозлик ва замонавийлик муносабатлари, пайдо бўлаётган янги-янги оқимлар, бугунги ёшларнинг қизиқишлари, техник ва маданий тараққиётнинг мусиқа оламига таъсири тўғрисида гап борди. «Ёшлар мумтоз куйларни тингламай қўйдилар, енгил-елпи асарларга қизиқиш кучли, бу кетишда...» деган иштибоҳлар ҳам айтилди. Аммо Самарқанд анжумани бундай ҳадиклардан чўчимаслик лозимлигини кўрсатди. Нега? Япониялик олима Хоруми Кошиба хонимнинг фикрича, уларда ҳам ёшлар мумтоз куй-қўшиқлардан кўра бугунги сершовқин, ўйноқи оҳангларга қизиқиш кучли. Аммо олиманинг урғу бериб таъкидлашича, кейинги йилларда бундай ҳолатнинг айрича кўриниши ҳам кузатилмоқда. «Қазисан, қартасан, асл наслингга тортасан», дейди халқимиз. Ҳою-ҳаваслар нақадар латофатли, мафтункор бўлмасин, барибир халқнинг асл қадриятлари ҳеч қачон ўлмайди. Шу маънода Самарқанд фестивали мақом санъати учун катта байрам бўлди, десак янглишмаймиз. Насиба Сатторова, Ўлмас Саиджоновнинг бетакрор овозларига, Абдуҳошим Исмоиловнинг улкан маҳоратига ҳамма қойил қолди. Энг таъсирлиси, уларни ўзбек, тожик билан бирга гуржи ҳам, ҳинд ҳам, япон ҳам, корейс ҳам дили яйраб, кўнгли эриб тинглади. Мусиқа учун тилмочнинг кераги йўқ экан, мусиқа чегара билмас экан. Қойиллатиб чалсангиз, қойиллатиб ижро этсангиз, ҳамманинг қалбига деярли бирдек кириб борар экан, бирдек забт этар экан кўнгилларни.

Самарқанд фестивали Ўзбекистоннинг бўйига яна бўй қўшди дейин, сиз ишонинг. Бу мусиқа анжумани мустақил юртимизнинг маънавияти нақадар азиз тушунча эканлигини оламга кўрсатди, дейин, сиз бунга қўшилинг. Ва яна, «Шарқ тароналари» бутун жаҳонга, илм оламига катта бир ҳақиқатни ошкор этди — сарҳадлари бағоят чексиз бўлган жуда катта минтақада яшаётган халқларнинг, наинки улар, бошқа минтақалардаги миллат ва кўплаб элатларнинг мусиқий маданиятида бизнинг ҳиссамиз жуда катта. Бу гапни олимлар, мутахассислар,чолғу асбоблари тарихи билан қизиқувчи билимдонлар айтишмоқда. Бундан фахрланмасликнинг иложи йўқ. Йиллар, шароитлар, табиий, созларнинг ташқи қиёфаларига, кўринишларига ўз таъсирини ўтказган, ихчамлаштирган. Аммо кўзни юмиб, қалб билан, қалб кўзи билан тинглаган киши уларнинг ҳаммаси бир ирмоқдан, бир ноладан, бир кечинмадан эканлигини англайди.

Фестивал кунлари мени бир нарса кўп ўйлантирди. Бизда ноёб овозлар жуда кўп. Номма-ном санаш шарт эмас. Уларнинг ҳар бири шу каби кўрик-танловларда ғолиб чиқишга қурби етади. Юлдуз Усмонова лолақизғалдоқлар ватанини мана, бир неча йилдирки, таъзимга келтириб турибди. Муножот Йўлчиеванинг овози Парижда узлуксиз янграйди, Марям Сатторованинг «Қурбон ўлам»ига саҳналар ларзага келади. Улар орқасидан катта саҳнага дадил кириб келаётган дуркун-дуркун ёшлар-чи? Лекин шундай дея хотиримизни жам қилмайлик. Бошқалар ҳам қараб туришгани йўқ. Миллий мусиқа санъати ҳамма жойда, ҳамма халқларда бугун ўзининг навбатдаги уйғониш даврини бошидан кечирмоқда. Биз каби улар ҳам изланмоқдалар, топмоқдалар. Мана, украиналик машҳур қўшиқчи Елена Кулик Нормурод Нарзуллаев шеъри билан айтиладиган «Юрт ишқида ёнаман» қўшиғини қиёмига етказиб куйлаяпти. Калифорниялик бир гуруҳ созандалар «Муножот»ни чалишади. Грузиялик санъаткорлар «Дўлона» қўшиғини куйлашганида ҳамма беихтиёр ўрнидан туриб кетди. Бир вақтлар ҳамкасбимиз Ёқубжон Хўжамбердиевнинг ҳавасини келтирган гуржилар давра олиб, шиддатли ҳаракатлари билан кўнгилга ишқ ғулғуласини солувчи рақсга тушишганида, дилингиздан ўтади — биз қачон шундай ўйин тушамиз? Нега бизда эркаклар рақси тобора майинлашиб, ҳалимлашиб бормоқда? Чопоннинг бир енгини киймай, бедана қадамлар билан чир айланишдан бўлак бу рақс турида бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатувчи нимамиз бор?

Бу мулоҳазаларни айтишдан мақсад шуки, миллий санъатлар ҳам ҳаётнинг ўзи каби ҳаракатда, ривожланишда. Ўзликка қайтиш жараёни фақат бизда эмас, ўзга минтақаларда, ўзга миллатларда ҳам юз бераётир. Бинобарин, биз бугунги ютуқларимиз билан чекланиб қолмаслигимиз лозим. Ва, айни пайтда, бошқа халқлар санъатида, мумтоз мусиқасида кечаётган жараёнлардан, ютуқлардан ҳам бохабар бўлишимиз керак. Биз ҳам, кези келганда Калифорнияга, Болтиқбўйи ёки Тифлисга борганда «Қурбон ўлам» билан бирга ўша халқларнинг энг сара қўшиқларини қойилмақом қилиб куйлайлик, мусиқаларини шитоб билан чалайлик. Ана ўшанда, уларнинг биз ҳақимиздаги тасаввурлари, халқимизнинг маънавий-ахлоқий қадриятларига доир тушунчалари янада бут ва гўзал бўлади.

Мен шундай бутунлик тарафдориман.

**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ**

# ЖИНОЯТЧИНИНГ МИЛЛАТИ БЎЛМАЙДИ

*Муҳаррир минбари*

Дунё бугун ўзгача, ажабтовур бўлиб кетди. Оммавий ахборот воситаларида кишини қувонтирадиган воқеа-ҳодисалар баёни, янгиликлар билан бирга дунё минтақаларида юз бераётган қонли тўқнашувлар, бош-бошдоқликлар, қирғинбаротлар тўғрисидаги ахборотлар тобора кўпайиб бораётгани кўнгилда ғашлик уйғотади. Собиқ Югославия ҳудудида, Доғистонда кечаётган уруш ҳаракатларига доир хабарларни тинглар экансиз, сухандонларнинг «шунча киши ўлдирилди, шунча киши оғир жароҳат олди, яна шунчаси бедарак йўқолди» ёки «фалон жойдан отиб ўлдирилган ва кўмиб юборилган шунча кишининг жасади топилди» деган жумлаларни оддий бир хабардек ўқишаётганига кўникиб ҳам бўлдик. «Фалон жойда кучли тошқин бўлиб, шунча минг киши бошпанасиз қолди, уй-жойидан айрилди» деган газета хабарини ўзимиз ҳам бемалол чой ичиб ўтириб ўқиймиз ва ... бемалол бошқа саҳифага ўтиб кетавермиз.

Бундай бўлмаслиги керак, деб ўйлайман. Дарахт шохлари орасига ин қурган битта қушнинг уйи бузилса қанча чирқиллайди. Табиий офатдан, қуролли тўқнашувдан одамлар жабр кўрса, бор-йўғидан айрилса, бунга бефарқ қараб туриш мумкин эмас. Негаки, офат деганингиз, хоҳ у табиатдан бўлсин, хоҳ одамнинг ўз қилмишидан, ўйламай-нетмай босган қадамидан бўлсин, юрт ёки миллат танламайди. Боз устига, агар инсон бу офатлар, ёвузликлар нега содир бўлаётганини идрок этмаса, тегишли хулосалар чиқармаса, улар вабодай урчиб кетади, бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга ўтади, бошқариб бўлмайдиган кўламга етади.

Инсон ҳаётида юз бераётган жамики воқеа-ҳодисалар одамларни ўйлантириши, ҳушёр торттириши, зарур чора-тадбирлар кўришга даъват этиши керак. Аммо, одамзот кўпинча бунга эътибор қилмайди, кўзлар ғафлат босганидагина очилади, холос.

Шу йил август ойи бошларида Қирғизистон ҳудудига бостириб кирган жиноятчи унсурларнинг қилмишлари, сурбетларча хатти-ҳаракатлари киши кўнглида шундай мулоҳазалар уйғотади. Террорчилар, конхўр жиноятчилар ёхуд қуролли босқинчиларнинг асл башарасини билмайдиган, уларнинг нопок мақсадларидан бехабар бирор бир давлатни, мамлакатни топиш мумкинми ўзи бугун дунёда? Ҳалол курашдан қочиб, ғаразли ошкора ёвузлик йўлини танлаган кимсаларнинг қилмишларидан жабр кўрмаган бирор бир халқни топиш мумкинми? Шундай экан, бир мамлакат ҳудудига бошқа бир мамлакат орқали ўтиб, одамларни гаровга олаётган, мол-мулкини тортиб олиб, ўзларини ҳайдаб юбораётган ғаламисларнинг кирдикорларига чек қўйиш ўрнига уларнинг қайси томонга тегишли эканлиги тўғрисида баёнотлар бериб шу билан чекланишни қандай тушунмоқ керак? Жиноятчилар билан музокара олиб бориш истагини-чи?

Ёвузлик йўлига кимлар киради? Бу саволнинг жавоби аниқ — ҳаётда ўз ўрнини топа олмаган, ҳавойи мақсадларни олдига қўйган, аммо ҳеч нимага эришмаган омадсизлар, Ватан, миллат туйғусидан маҳрум кимсалар! Улар учун бошқа йўл қолмаган. Фақат қурол билангина бир нимага эришиш мумкин, деган хомхаёл вужудларига чирмашган, ҳотамтой ҳомийларнинг «жарақ-жарақ» пуллари кўзларини ўйнатган. Ислом ниқоби остидаги «даъват»лардан эс-ҳушларини йўқотишган. Боткен қишлоқларига бостириб кирган жангариларни шундай деб аташ керак. Улар нечоғли жазавага тушишмасин, барибир ҳеч нарса чиқмайди. Тинч аҳолига нисбатан кўтарилган таёқнинг бир учи ўз бошларига албатта келиб тушади.

Боткен воқеаларидан англашиладиган хулосалар нималардан иборат? Биринчи хулоса —"бизга феврал воқеаларидан кейин янада муҳим ва зарур бўлиб қолган — Огоҳлик! Огоҳлик, баъзилар ўйлаганидек, вақтинчалик зарурият эмас. Ҳамиша ва ҳамма вақт огоҳ бўлмоқ керак. Дунёнинг нариги чеккасида содир бўлаётган воқеалардан ҳам тегишли хулосалар чиқармоқ лозим. Косово, Чеченистон, Доғистон воқеалари ҳаммага баробар сабоқ бўлиши керак. Жиноятчи унсурлар, бир-бирларини жуда тез топадилар, тез бирлашадилар. Улар учун Ботлих билан Боткеннинг ораси узоқ эмас. Буни унутиб бўлмайди.

Иккинчи хулоса шуки, ҳар қандай мамлакатнинг, токи у суверен экан, чегаралари мустаҳкам бўлиши керак. Ҳар бир давлат ўз ҳудудларини дахлсиз сақлашга қодир бўлмоғи зарур. Буни ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Ҳеч ким четдан келиб бошқа бировнинг уйини қўриқламайди, тинчлигини таъминлаб бермайди. Фалончи тинч ухласин, деб ўзи уйқусиз юрмайди. Борди-ю, шундай қилганида ҳам, бунинг эвазига жуда катта маънавий «бож» сўрайди. Бундай «бож»ни тўлаш учун эса миллатнинг ғурури ва эркини тарозига қўйишга тўғри келади. Дунё халқлари ҳаётидан бунга жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Учинчи хулоса, ҳеч нарса бирданига, кутилмаганда, худди осмондан тушгандай содир бўлмайди. Қўшни Тожикистонда кечаётган жараёнлар, мухолифат қўшинларининг бир қисми ўзаро келишувга биноан мамлакатнинг расмий қуролли кучлари таркибига ҳамон киритилмаганлиги, ҳар эҳтимолга қарши жой-жойларда ушлаб турилганлиги, бу нарса шу йил ноябр ойида бўлиб ўтадиган президентлик сайловлари билан бевосита боғлиқлиги, мамлакат ҳудудида ҳеч кимга бўйсинмайдиган жангарилар тўдаси мавжудлиги, улар қонли мақсадлар йўлида ҳеч нарсадан тап тортмасликлари ҳаммага, шу жумладан Қирғизистон томонига ҳам кундай равшан эди. Жангарилар хориж матбуотига бераётган баёнотларида ўз мақсадларини ошкора айтишаётгани ҳам маълум эди. Жиноятчи тўдаларнинг ҳаракат йўналишлари ҳам деярли сир тутилмаганди. Бугун энди ошкор бўлдики, улар Боткен қишлоқларига бостириб киришни анча аввал режалаштириб қўйишган экан. Наҳотки, шундай бир вазиятда ҳам тегишли чора-тадбирлар кўрилмаса? Мамлакат ҳудудига тажовузкорона бостириб кириш факти содир этилганидан сўнг ҳам бирор бир амалий чора кўрилмаса, одамлар, хорижлик мутахассислар бехавотир жойларга кўчирилмаса? Маҳаллий маъмурларнинг «Жангариларнинг бизга нисбатан ҳеч қандай даъволари йўқ, бу — «ўзбек муаммоси» иши» дея баёнот бераётганлари кишини бағоят ажаблантиради. Қуролланган жиноятчи одамларни яхши-ёмонга ажратмайди, бировга қарата ўқ отаётиб, бошқа бировнинг бошини силамайди. Эшак семирса эгасини тишлайди, деган гап бор.

Биз яшаётган минтақада бугун халқаро экстремистик, диверсион-террористик кучлар мавжуд экан, улар чўкаётган одам чўпакка ёпишганидай талвасага тушиб, ётиб қолгунча отиб қол қабилида сўнгги маразликларини қилаётган эканлар, бу реалликни эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Айни шу ҳолатдан келиб чиқиб мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуси билан чегара қўшинлари ташкил этилганлиги, давлат чегаралари ҳимоясини кучайтириш чора-тадбирлари кўрилаётгани айни муддаодир. Қўшни Тожикистонда, бугун эса Қирғизистон жанубида кечаётган жараёнлар ўз моҳиятига кўра бутун минтақада тинчлик ва барқарорлик тақдири билан бевосита боғлиқ. Демак, бу ҳақиқатни Ўзбекистон каби минтақадаги бошқа мамлакатлар ҳам ҳисобга олишлари керак. Ўрмонга ўт кетгач, ҳўлу қуруқни ажратишга ҳожат қолмайди.

### Янги рубрика: «Жадидлар ва жадидчилик»

*«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» саҳифаларида дастлаб 1983-84 йиллардан бошлаб турли баҳоналар билан жадид боболаримизнинг улуғ ишлари (масалан, Мунавварқорининг Ҳамза билан ёзишмалари), жадидчилик ҳаракатига доир мақолалар ёритилди. «Қайта қуриш» даврида эса бу қаҳрамонлик мавзуидаги материаллар тез-тез эълон қилинадиган бўлди. 80-йилларнинг охири — 90-йилларнинг бошларидан эътиборан мазкур мавзу газетамиз саҳифаларидан доимий ўрин эгаллаб келаётир. Шу маънода «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» халқимиз тарихининг кураш ва қаҳрамонликларга бой, фожиаларга тўла саҳифаларини ёзишда фаол иштирок этмоқда.*

*Мустақиллик йилларида жадидчилик ҳаракати ва унинг фидойи намояндалари фаолиятига давлатимиз қаратаётган зўр эътибор биз — матбуотчиларнинг ғайратига ғайрат қўшади. Газетамизда янги — «Жадидлар ва жадидчилик» рукнини ҳам ана шу жадид боболаримизнинг буюк ишларини янада кенгроқ, янада теранроқ, янада изчилроқ рўёбга чиқаришдек савобли юмушга имкон қадар ҳисса қўшиш мақсадида очдик.*

**ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК БЎЛИМИ**

## «ТИЛДА, ФИКРДА, ИШДА БИРЛИК»!

*Исмоилбек ҒАСПИРАЛИ*

**Қиримнинг Боқчасарой шаҳри яқинидаги Овчикўйда 1851 йили туғилган. Отаси Ғаспира қишлоғидан бўлгани учун Ғаспирали (Гаспринский) тахаллус — нисбаси билан шуҳрат топди.**

**Оиласи 1854 йили Қирим уруши даврида Боқчасаройга келиб жойлашади. Исмоилбек ўн ёшгача шу ерда яшайди. Шу ерда саводини чиқаради, миллий тарбия олади. Сўнг Оқмачит (Симферопол)да рус мактабида, Москвадаги ҳарбий литсейда ўқийди. Шу йиллари ҳарбий литсей ўқувчиларига «славян бирлиги» (панславянизм) ва «турк душманлиги» тарғиботига таянувчи дарслар кенг кўламда ўқитиларди. Бу дарслар ёш Ғаспиралига қаттиқ таъсир қилди ва унинг туркий халқлар бирлиги ғоясини илгари сурувчи миллатпарвар бўлиб етишишига замин тайёрлади.**

**1867 йили литсейнинг охирги синфида ўқиркан, Усмонли қўшинига кўнгилли бўлиб ёзилиб, Крит оролидаги грек исёнчиларига қарши урушга кетмоқчи бўлади. Бироқ рус жандармлари томонидан қўлга олиниб, Қиримга юборилади. Шундан сўнг ўқишга қайтмайди. Боқчасаройдаги Занжирли мадрасасида ўқитувчилик қила бошлайди. Россиядаги ғарблашиш ҳаракатларини ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт нуқтаи назаридан яқиндан кузатиб боради. Айни пайтда турк дунёсининг ҳам тезкор ислоҳотларга эҳтиёжи борлигини англай бошлайди. Буни фақат мактаб-маориф орқалигина амалга ошириш мумкин деб ҳисоблайди.**

**1872 йили таҳсилини тамомлаш, Оврупо билан яқиндан танишмоқ фикри билан Парижга боради. Машҳур рус ёзувчиси И.С. Тургенев қўлида котиб бўлиб ишлайди, Сорбонна университетига қатнайди. 1875 йили Истанбулга бориб, ҳарбий мактабда ўқимоқчи бўлади, бироқ орзуси амалга ошмай, 1876 йили Қиримга қайтади. 1878—83 йиллари Боқчасаройда шаҳар ҳокими бўлиб ишлайди. Шу йиллари маҳаллий болаларга замонавий таҳсил берадиган мактаблар очиш ва маърифат ғоясини тарғиб-ташвиқ этувчи бир газета чиқаришга ҳаракат қилади. Бироқ бу уринишлар рус маъмурлари томонидан рад этилади.**

**Ниҳоят, 1883 йили «Таржимон» газетасини чиқаришга муваффақ бўлади. Газетанинг шиори «Тилда, фикрда, ишда бирлик» эди. Газета барча туркий халқларни шу ғоя атрофида бирлаштирмоқ, маданиятни жонли тутмоқ учун тил ва адабиёт масалаларига кенг ўрин берди.**

**«Таржимон» 1918 йилгача чиқиб турди. Исмоилбек унга вафотига қадар (1914) муҳаррирлик қилди. Газетани Қозон, Истанбул, Тифлис, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Бағдод, Қоҳира, Ёрканд, Деҳлида ўқидилар. Шу тариқа у бирбирларидан узоқ ўлкаларда яшаган ва ўзаро фарқланувчи туркий тилларда сўзлашган турк жамиятлари орасида муштарак бир адабий тилни майдонга келтириш борасида муҳим хизмат қилди.**

**Ғаспирали «Миллат» номли газета, «Олами нисвон» («Хотинлар олами»), «Олами сибён» («Болалар олами»), «Ҳа-ҳа-ҳа!» номли журналлар ҳам чиқарган.**

**Ғаспиралининг буюк хизматларидан бири «усули жадид» (янги усул) номи билан тарихга кирган замонавий таҳсилни турк дунёси орасига олиб кирганлигидир. Унинг 1884 йили ташкил этган «усули жадид» мактаби ва илк дарслик сифатида ёзилган «Хожаи сибён» («Болалар муаллими») китоби Шарқ маорифида инқилоб қилди, десак, муболаға бўлмайди.**

**Ғаспирали юзлаб мақолалар, «Русия мусулмонлиги», «Оврупо маданиятига бир назари мувозана» («Оврупо маданиятига бетарафона бир назар») каби муҳим ижтимоий-сиёсий рисолалар, «Дар ул-роҳат мусулмонлари», «Хотинлар ўлкаси» каби бадиий асарлар, «Маданияти исломия», «Туркистон уламоси» сингари илмий-тадқиқотлар қолдирган.**

**1910 йили маорифчиликдаги хизматлари учун халқаро Нобел мукофотига тавсия қилинган.**

* * *

Газетамизнинг шу сонида Исмоилбек Ғаспиралининг бир мақоласи ва турк дунёсининг буюк шоири Маҳмад Эмин Юрдақулга йўллаган мактуби билан ўқувчиларни таништирмоқдамиз. Юрдақулнинг «Туркча шеърлар» китоби 1898 йили босилиб чиққанини эътиборга олсак, мактуб ҳам ўша йили ёзилган бўлиши керак.

**Исмоилбек ҒАСПИРАЛИ**

## БОБИ ОЛИЙ КЎЧАСИДА БИР САЁҲАТ

*Шу номда қирқ-эллик саҳифалик бир мақола тайёрламоқчиман. Истанбулни билганлар ажаблансалар керак. Сиркачидан Боби олийга қадар чўзилган кўча нақадар гўзал бўлмасин, саёҳат қиладиган даражада узун эмас. Бир қарашда шундай, аммо мен шу беш-олти юз аршинлик кўчада катта бир саёҳат мумкинлигини даъво қила оламан.*

*«Бир луқма нон тарихи» деган олмонча бир китоб борлиги маълум. Барча адабий тилларга таржима қилинган. Бир парча ноннинг тарихи бўлади-ю, катта бир кўчанинг саёҳати бўлмайдими?!*

*Оврупо газеталари нима ёзсалар ёзсинлар, ҳақиқат ҳамиша ҳақиқатдир. Усмонли мамлакатида берилган ҳуқуқлар ҳеч бир қавм ва миллатда йўқ. Ҳатто бу жиҳатдан энг олдинда бўлган Америка Қўшма жумҳурияти арзон-гаров ишлашга келган хитойлик муҳожирларни, имкон топса, денгизга улоқтиради. Усмонлининг эса кенг ҳуқуқларидан ажнабий булғорлар, руслар, арманилар, яҳудийлар ризқ топиб, роҳатини кўраяптилар. Фақат бизнинг мусулмонларгина мавқе ва ҳуқуқларидан фойдаланмайдилар. Кўча бўйлаб саёҳатимда биринчи бўлиб, кўзимга урилгани шу бўлди.*

*Чорраҳада трамвай йўлини кесиб ўтиб, Боби олий томон юрдим. Шамлиян дорихонаси, Вафиади суратхонаси орқада қолди. Ўнгда севимли китобчи Кайсерлиян магазини, қўшниси Акопян металл қуйиш корхонасини ва унинг қаршисида Милтиади суратхонасини қоғозга туширдим. Чапда муҳтарам Миҳрон матбаасини, бир оз олдинда китобчи Каспарян афанди магазинини, унинг олдида китобчи Аракил оға кутубхоналарини ва яна кўп эътиборли маориф ходимларини, ғайратли ношир афандиларни кўриб, ибрат олиб, дафтаримга қайд этдим. Матбааларга кирдим. Машиналарда — Бўғус оға, ҳарф терувчиларнинг аксарияти унинг биродарлари.*

*Бир-икки китоб олдим. Алибей ёзган, Артин афанди нашр этган. Салим афанди ёзган, Хўжадор оға нашр этган. Ҳатто баъзи асарлар Табризли Машҳади Ҳусайн оғанинг «Ҳиммати маорифпарасти»си билан нашр этилган. Бизнинг «Таржимон» ҳам китобчи ва ношир Жўзефнинг ёрдами билан босилади.*

*Илгарироқ Кавказга қилган саёҳатим ёдга келади. Ўшанда ичимдан отилиб чиққан саволлар такрор тилимда айланади: «Эй қардошларим, бизнинг бу аҳволимиз қандай бўлди? Тифлисда илми ҳол босамиз — Каракишян матбаасида. Қорабоғда шеър ё марсия нашр этамиз — Ванилян матбаасида. Шундайки, Каракишян, Ванилян жаноблари бизга қиладиган ҳимматларини қилмай қўйсалар, бизнинг «Кўрўғли» дунё юзини кўрмас эди, шундайми? Бизлар қаердамиз ўзи, демоққа ҳаққим йўқми?..»*

*Ҳа, ишлаётганлар бор. Жойи келганда уларни ҳам тилга олиб, алқаб ўтайлик. Лекин Туркияда турклар янада кўпроқ ишламоқлари керак. Савдо дўконларида, станокларда, завод-фабрикаларда, денгизчилик ишларида, давлат идораларида ишлагандек ишламоқ керак. Биламан, маъмурлик шарафлидир, лаззатлидир. Давлатга, мамлакатга хизмат фарздир. Лекин деҳқонларнинг ҳам пири Одам а.с.дир, темирчилар ҳам пири Довуд а.с.дир, Кўй-кўчасида муаллим бўлган ғайратли бир киши уламонинг энг афзали эмасми? Сен раҳбар, мен раҳбар, бошқариладиган ким?*

## МАҲМАД ЭМИН ЮРДАҚУЛГА МАКТУБ

*Севикли қардошим!*

*Учинчи декабрда ёзган мактубингизни еттинчида олиб, ҳадя қилиб юборганингиз «Туркча шеърлар»га севиндим ва келишини кутдим. Русия қонунларига кўра Шарқ мамлакатларидан келган асарлар почтадан тўғри Тифлис цензурасига йўлланиб, текширувдан ўтгач, адресларга жўнатилади. Шу сабабли китобингизни жуда кеч олдим. Ўқидим, ниҳоятда ҳузур қилдим. Асарингиз ҳақида айтмоқчи гапларимни Шамсиддин Сомийбей афанди ёзипти, такрорга ҳожат йўқ. Бир айтилмаган гап қолган бўлса, у ҳам шеърларингизнинг тилидан ташқари, фикрларининг ҳам зўрлиги, Истанбулдаги «моҳитоб»дан, «қора соч-ла мовий кўз»дан иборат даста шеърларнинг барча-барчасидан устун эканлигидир. Жуббалари қиёмат бўлган афандиларнинг, бастонлари, жакетлари аломат силлиқ бейларнинг ардоқлаб келган баланд-парвоз усулига зид ҳолда содда ва «қабоҳ» туркча билан ёзмоқ буюк жасоратдир. Адабий, шеърий асарлар орасида шундай бир маслакдаги китобнинг майдонга келиши турк оламига буюк бир хизматдирки, мен бу билан самимий табрик этаман.*

*Турк оламига деганим, муболаға тушунилмасин, гапнинг тўғрисидир. Муболағани севмайман ҳам, қилмайман ҳам. Шеърларингизни Адрна, Бурса, Кўня, Анқара, Арзирум турклари англаб, лаззатланиб ўқиганлари каби Тифлис, Табриз, Ширвон, Хуросон, Туркистон, Қашқар, Дашти Қипчоқ, Сибирия, Қозон ва Қирим турклари ҳам ўқимоқдаларки, бу шарафга Фузулий ва Нобий ноил бўла олмадилар. Қирқ-эллик миллионлик ва ўттиз асрлик бу оламга бошлаб, янги ари қутисининг илк болидан бир қошиғини тоттирган сиз бўлдингизки, бу сизга шарафдир, бизга саодатдир... Табрик этаман.*

*«Таржимон»нинг ҳам ҳаракатлари шу йўлдаги хизматдир. Доруссаодат (Истанбул)нинг ҳаммол ва қайиқчиларига, Чин (Хитой) сарҳадидаги турк туякашларига газетани танитган ўша содда ва «қабоҳ» тилдир. Шу тил Қозонда, Сибирда бўлгани каби Табриз ва Хуросонда ҳам Боқчасарой тилини ўрганмоққа майл уйғотди. Истанбул адабиётидаги ғоясизликдан ва тўтиқуш тилидан зериккан, димиққан эдим. Шеърингиз ғоят катта тасалли бўлди. Бунинг учун Оллоҳ сиздан рози бўлсин... Сизга қардошчасига газетани тақдим этаман. Мамлакатингизга кириши эркин. Лекин почта ходимларига ишонмай, Русия почтахонасидан оладиган қилиб адрес ёздим. Ҳар сешанба одам юбориб, олдирсангиз, мамнун бўлар эдим.*

*Боқий саломлар ва биродарлик-ла...*

**Тайёрловчи: Бегали ҚОСИМОВ.**

---

*Боби олий — Усмонлилар саройининг номи.*

## ЧИН УСТОЗ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Давлат мукофоти совриндори, профессор, Ўзбекистон саҳна безакчилигида янги бир саҳифа очган ва қанчадан-қанча шогирдлар етиштириб чиқарган бағри кенг инсон Георгий Робертович Брим Олмонияда 63 ёшида тўсатдан вафот этганлиги ҳақидаги хабар ҳаммамизни қайғуга солди.



Йигирма йил давомида Г. Брим Ҳамза номидаги театрда бош рассом лавозимида ишлади. Б. Йўлдошев билан бир ота-онанинг фарзандлари сингари аҳил-иноқ бўлиб, қанчалаб спектаклларни саҳналаштирди, ижод ва изланишнинг заҳматию лаззатларини биргалашиб тортишди. Уларнинг яхши-ёмон кунлари бирга ўтарди. Тақдир тақозосими ёки нону насиба эканми, ўша йиллари мен ҳам ана шу заҳматкашлар сафига қўшилдим: ҳали талабалик чоғимдаёқ Ҳамза театрида ижрочи рассом сифатида иш бошладим.

Мен Юра аканинг (биз ёшлар у кишига шундай мурожаат қилардик) ишчанлиги, ўз ишига садоқати, одамохунлигига қойил қолиб, у билан битта жойда, ёнма-ён ишлаганимдан ниҳоятда хурсанд эдим. У киши театрда бош рассом лавозимида ишлаш билан бирга, институтда бўлажак саҳна рассомларига сабоқ ҳам берар, республика миқёсидаги турли тадбиру анжуманлар безагини яратар, қўшни республикаларга бориб, у ерларда саҳналаштирилаётган спектаклар безаклари юмушлардан ни ишлар, шунча кечалари театрвақт орттириб, даги ижодхонасида узоқ ўтириб, саҳна безакларининг хомаки нусхасини кўргазмалар учун ишларди.

**Ёднома**

Г. Брим ижодкор сифатида ҳар бир ишга масъулият билан ёндошиб, ўзини ўзи такрорламасликка ва ўзига хосликка интиларди, ранглар мутаносиблиги, яхлитлик унинг ижодида бош мезон саналарди. У саҳналаштирган «Беруний», «Ибн Сино», «Рўйхатларда йўқ», «Инқилоб тонги», «Юлдузли тунлар», «Зебуннисо», «Келинлар қўзғолони», «Қиёмат қарз», «Шоҳ Эдип» ва ҳоказо спектаклларнинг саҳна безаклари бирбирига мутлақо ўхшамас, биргина «Рўйхатларда йўқ» спектакли катта шов-шувларга сабаб бўлганди. «Халқлар дўстлиги» саройининг очилиши тантанаси саҳна безаги муаллифи ҳам Юра ака эди. Ўша ишнинг якунида шахсан Шароф Рашидовнинг ўзи келиб муаллифнинг қўлини қисиб табриклаган.

Устоз ўзбек маданиятини жуда қадрлар, доим: «Мен Ҳамзани Шекспирдан кам кўрмайман. Чунки у қирқ йиллик қисқа умри давомида қанча ишлар қилиб қўйган», — дерди. Яна: «Мен шунча режиссёрлар ичида Тошхўжа Хўжаевдай режиссёрни кўрмаганман, ундан зўррогини тасаввур ҳам қилолмайман», — деганди.

Ундан сабоқ оладиган талабалар дарсдан бўш вақтларини кўпинча театрда ўтказишар, у ерда олган билимларини бу ерда амалиётда кўришар, бир сўз билан айтганда, театр, Брим бошчилигидаги рассомлар устахонаси улар учун ўзига хос лаборатория, яъни тажриба маскани эди. Ундан сабоқ олган рассомлар ҳозирги кунда бутун Ўрта Осиё бўйлаб сочилиб кетган. Унга ўхшаган мураббийлар, очиғини айтганда, унча кўп эмас.

Брим ниҳоятда саховатпеша инсон эди. Республика рассомлар билим юртини тугатган бир укамиз Ленинград шаҳридаги рассомлик олийгоҳига бориб ўқишни ихтиёр этди. Мазкур билим даргоҳи рассомлик олийгоҳлари орасида энг нуфузлиси ҳисобланиб, у ерга йўлланмасиз ўқишга кириш амримаҳол эди. Биз шунда домла Бримга мурожаат қилдик, у ҳеч иккиланмай, катта бошини кичик қилиб Маданият ишлари вазирлигидан йўлланма олишда ёрдам берди. Ўша укамиз ўқишга кирди, хорижларда кўргазмалар ташкил қилиб, медаллар олди. Бунақа мисолларни кўплаб келтириш мумкин. У киши одамларга қилаётган яхшиликларини миннат ҳам қилмас, манфаат тушунчаси унга етти ёт бегона эди.

У ўзининг мансабию унвонларига қарамай, барча ижрочи рассомлар билан теппа-тенг, балки улардан кўпроқ ишларди, ҳеч қачон уларга буйруқ ёки кўрсатма бериб, ўзи чеккада ўтирмасди. Устоз ижрочи рассомлар ишини жуда қадрларди, шунинг учун ҳам Олмонияга жўнаб кетиш олдидан шундай деган: «...рассом ва театр оралиғида беҳисоб цехлар, рассомлар, ишчилар ҳам борки, уларни бошқариш, худди ўз касбини севиш каби уларни ҳам севиш, ардоқлаш лозим».

Георгий Брим хоксор бир инсон сифатида ҳам, улуғ бир санъаткор сифатида ҳам кейинги авлодларга ибрат бўла оладиган нурли ҳаёт йўлини босиб ўтди. Бундай одамлар наслу насаби, миллати ва ирқидан қатъий назар жаннати одамлардир!

**Бобониёз ҚУРБОН**

**Турсун Али МУҲАММАД**

# АЛПОМИШНИНГ ТУҒИЛИШИ

Бойсун-Қўнғирот юрти. Атрофи қўрғон қилинмаган, девору дарвоза урилмаган яккам-дуккам ҳовлилар кўзга ташланади. Шундай хонадонларнинг бирида суннат тўйи бошланяпти. Бирин-кетин қорни қовоқдай, боши товоқдай меҳмонлар кириб келишяпти. Карим тандирнинг ошини еймиз экан-да, деб енгларини шимариб, сириб келишяпти. Ҳар ер, ҳар ерга, ўрга-қирга, тепага-пастга ташланган кигизу гиламлар устига адрасу атлас, бахмалу банорас кўрпачалар тўшалган.

Ҳовли адоғидаги катта қайрағоч тагида тўй соҳиби Карим тандир тўрт-беш ақрабоси қуршовида савлат тўкиб турибди. Баковул хизматгирларни сал сустроқларини койиб турибди.

Ошни еб, қимизу қимронни ичганлар соқол мўйловни силаб алпанг-талпанг кетишяпти. Янги келганлар тўй соҳиби билан тўёналашиб, сепу савлати, молу давлатига қараб улайбулай ўтишяпти. Белига қийиқча бойлаган хизматгирлар югуриб-елиб юришибди. Ош тўла, гўшт тўла товоқлар бориб-келиб турибди. Биров ош тортяпти, биров бош тортяпти.

— Меҳмонларни нари торт, бери торт, — деб бақириб турган баковул отда кўринган икки басавлат меҳмонни кўриб ўзи югургилаб қолди. — Қани, меҳмонлар, юқорига.

Бу кириб келганлар юрт улуғларидан Бойбўрихон билан Бойсарибий эдилар. Уларни кўрган тўй соҳибининг юзида ҳам қувонч, ҳам ачиниш аломатлари сезилди. Бир нималарни ўйлаб юраклари эзилди.

— Ака-ука бойваччанинг савлатидан от ҳуркади-ю...

— Мири кам дунё, деб шуни айтадилар-да...

— Оллоҳнинг марҳамати кенг, бировнинг манглайига беради, бировнинг танглайига. Ўзига осон, бераман деса, хазинаси камайиб қолмайди.

— «Қаҳр бору шиддат йўқ, меҳр бору ғайрат йўқ»[1], деганларидай...

Бу суҳбат давом этаверсин, баковул меҳмонларни тўйхонани энг тўрига, махсус тайёрланган сўрига таклиф этди. Тўйболага умр тилаб, омонлик тилаб, дуойи фотиҳа ўқилгач, меҳмонлар бир-бири билан бош ирғаб, кўз уриштирдилар. Ҳол-аҳвол сўрашиб сўз уриштирдилар.

Шу маҳал баланд овозда байт айтиб келаётган дарвеш ҳамманинг эътиборини ўзига тортди. Бошида қалпоқ, қўлида эгри бир таёқ, эгнида эски чакмон, белида арқон, ёнида кашкул, ичида уч пул, соқоли кўксига тушган, кўрган одамди ҳуши учган, кўзлари чақнаб турган, тўртта сўздан шеър қурган дарвешнинг юзидан нур ёғилиб турарди.

Ҳеч ким билан иши йўқ, пишагини пишт дейдиган киши йўқ дарвеш байт ўқирди:

**Фарзанд деган бир гул бўлур,**
**Шому саҳар булбул бўлур.**
**Оқилу донишманд келса —**
**Ота-онага қул бўлур...**

Биродарлар, бугун бир йигитнинг орзуси ушалган кун. Ҳар бир йигит бокира, сулув бир қизга уйлансам, дейди, бир полвон ўғил кўрсам, элга тўй берсам, дейди. Тагли-тугли ерга қуда бўлиб, солиҳ набиралар кўрсам дейди. Э-эй жамоат, бу дунёда биздан нима қолади? Қилган касбу амалимизни, эзгу ишларимизни давом эттира оладиган, йиққан обрўйимизга обрў қўшадиган, охирги йўлимизга «Отам...»лаб кузатиб қўядиган фарзанд қолади, биродарлар, фарзанд. Мол топиб, дунё йиғиб, елкангга ортмоқлаб, оламни кезсанг, қанча молинг, қанча давлатининг бор? деб сўрашмас экан. Нечта туянг, нечта отинг бор, дейишмас экан. Нечта ўғлинг, нечта қизинг бор, деб сўрашар экан.

Бойбўри билан Бойсари қўлларига олган пиёлалардаги чойлар совуб қолди, тирноқсизлик доғидан ичлари куйиб кевуб қолди. Дастурхон четига тикилишиб, ғам босиб, бошларини ҳам қилиб ўтиришибди. Дарвеш гапирган сари уларнинг елкаларидан юк босаётгандек эгилиб, юрак-бағрилари тўкилиб борарди.

— Ўғли йўқнинг ўрни йўқ, қизи йўқнинг қадри йўқ. Қўлларингни очиб бир омин, денглар, тўй соҳибининг хонадонига оллоҳ барака ёғдирсин, отаси орзусини ушалтираётган тўйболани умри билан, ризқи билан, ота-онаси билан, ақлу ҳуши билан, сепу савлати, молу давлати билан, шаъну шавкати, кучу қудрати билан берган бўлсин. Шу йигит элу юртни оғирини енгил қиладиган паҳлавон бир йигит бўлсин. Мени ҳам шунақа тўйларга етказсин, пешана терим билан топганимни элга берай, от чоптириб, ер чанггитиб тўйлар қилай, юрт олдига дастурхон солай, деб яхши ният қилиб турганларни ҳам шундай тўйларга етказсин! Омин, Оллоҳу Акбар!

Ҳамма баробар юзига фотиҳа тортди. Кимнинг кўнгли кўтарилди, кимнинг қайғуси ортди. Тўйбошидан кейин, қолганлар ҳам хайру садақа қилишди. Биров кулгандай бўлди, биров ичини тилгандай бўлди. Дарвеш ичкарилаб, Бойбўри ва Бойсари ўтирган сўри қошига келди. Ака-ука у билан қўл бериб кўришди, яхши ният билан уч-тўрт танга қистиришди.



Дарвеш яна дуога қўл очди:

— Эй мардуми маърака, қўлларингни яна бир марта дуога очинглар. Мени ўзим дуо қилсам, дуом ҳеч қаерга бормайди. Кўпни дуоси қўл, еттини бири Ҳизр, дейдилар. Садағанг кетай, кўпчилик, бир дуо қилайлик, Шердаргоҳ пирим Ҳазрати Шоҳимардонни парвардигори эгам билан шу икки бойни ўртасида воситачи қилиб сўрайлик, Оллоҳ шуларга ҳам қўша-қўша солиҳ фарзандлар ато қилсин! Омин, Оллоҳ Акбар!

Тўйдан қайтаётган ака-ука эгар қошига ғамгин термулишиб, от жиловини бўш қўйганча, Бойсуннинг пурвиқор тоғларига, чўққи ортига бош қўяётган қуёшга ҳам аҳамият беришмасдан, ёшликдагидай от суришмасдан, жим кетишяпти. Уларнинг ерлари туташ, тақдирлари ҳам ўхшаш. Икковиям бир тирноққа зор. Оталари кўзи тириклигида тўрт полвон зўрға юмалатган катта тошни белги қилиб, ер ажратиб берган жойга келиб йўл айриладиган бўлди. Бойбўри тарзини бузмай, эгар қошидан кўзини ўзмай:

— Ука, йўл тараддудини кўр, Шоҳимардонга борамиз, пешанада нима бўлса кўрамиз, — деди.

* * *

Бойсундан йўлга чиққан ака-ука «Қайдасан, Шоҳимардон?» деб йўл юриб, йўл юрсаям мўл юриб, ўт кечиб, сув кечиб, дегандай Ўратепанинг унча-мунча улоқчани учириб юборадиган қаттиқ шамолидан ҳам ўтиб олишди. Шоҳимардоннинг гўзал манзарасини кўришиб майин шабадаси юзларига урилганида: «Бойсунимизга ҳам ўхшаган ерлар бор экан», деб, енгил тин олишди ва йўл азобларини унутишди.

Ҳар сафар ёнларига келганида «Ассалому-алайкум»ни қайтарадиган, меҳмонларга нимагадир «Тақсир» деб мурожаат қиладиган, оқ яктак кийиб, елкасига оқ кескилик ташлаб олган, юзидан табассум аримайдиган чойхоначини сал қўли бўшаган пайтда Бойбўри ёнига имлади.

— Ака, биз узоқдан келганмиз, бу ерларга меҳмонмиз. Ўтириб бир гурунг беринг, Шоҳимардонда қаерларга бориб, қаерларни зиёрат қилайлик, тушунтиринг, — деган Бойбўрига чойхоначи ним табассум билан жавоб айтди.

— Хўп бўлади, тақсир. Фақат, салгина сабр қилсинлар, — деди-да, тўрттагина қурут, майиз, туршак, тутталқон солинган патнисни ўртага қўйиб олиб келган чойини қайтарди. Бир ҳўпламгина чой қуйиб ўзи ичди, кейин меҳмонларга илинди. Фақат, пиёланинг қирғоғини елкасидаги кескилиги билан артгандан кейингина меҳмонларга чой узатди.

— Қани марҳамат, — деб нозу неъматларга ишора қилган чойхоначи гурунгни бошлади: — Ҳа, энди, тақсир, Шоҳимардон муқаддас ер, ҳар қадамини ҳам зиёрат қилса арзийди. Ривоят қилишларича, Шоҳимардон пирим ўлимларидан олдин фарзандларига: «Ўғилларим, жоним узилгандан кейин, мени жасадимни ювиб-тараб, кафанлаб қўйинглар ва сўраб келган одамга, қаерга олиб кетаётганлигини сўрамай, бериб юборинглар», дебдилар васият оҳангида.

Хуллас бир кун отанинг паймонаси тўлибди, қолган ишлар барчаси пир айтгандай бўлибди. Ота жасади ювиб-тараб, кафанлаб қўйилганида ниқоб тутган, оқ туя етаклаган бир одам келиб, майитни сўрабди. Ўғиллар лом-мим демай, бериб юборишибди. Салдан кейин бояги ниқобли киши келиб яна майитни сўрабди. Ўғиллар: — «Ҳозиргина бериб юбордик», дейишса, ниқобли, «Кириб қаранглар-чи», дебди. Ўғиллар ҳайрон ичкари киришса, майит илгаригидек ўз ўрнида ётган эмиш. Яна бериб юборишибди.

Ниқобли киши оталари жасадини еттинчи марта олиб кетаётганида ака-укалар чидолмай туянинг жиловини тутишди.

— Отамизнинг зиёратига қаерга борамиз, ҳеч бўлмаса шуни айтинг, дейишса, ҳалиги киши ниқобини олган экан. Ул ниқоблик Шоҳимардон пиримизнинг ўзлари эканлар.

— Хаҳ ўғилларим-а, яна бирпас сабр қилганларингда-ку, кўпроқ ерда қабрим бўлиши мумкин эди. Ҳай майли, энди мени қабримни изласангиз, икки тоғнинг ораси, икки сувнинг қўшилишидан топасиз, — дебдилар-да пиримиз кўздан ғойиб бўлибдилар.

Айтишларича, ер юзида етти жойда Шоҳимардон қишлоғи бор экан. Мана шулардан бирига бош уриб келибсизлар, худо ниятларингизни берсин, қадамларингизга ҳасанот. Ҳар бир йигит ўз пири Шоҳимардонни умри давомида бир марта бўлса ҳам зиёрат қилиши керак экан.

Зиёратга келган одам аввало, қишлоқ тепасида оқаётган Жаннатариқда бир чўмилиб гарду қубордан қутулиб, ғуслу таҳорат қилиб гуноҳлару ёвуз ниятлардан фориғ бўлиб олиши керак.

Ҳов анов, Оқсув Шоҳимардонга ўкириб оқиб кириб келаётган қисиқ ерда «Чаккатомар» чашмаси бор. Айтишларича, бу елкасида улуғ мозоротни кўтариб турган тоғнинг кўз ёшлари эмиш. Жаннатариқда чўмилиб, танангизни покласангиз, чаккатомар сувидан ичиб руҳингизни поклар экансиз. Шундан кейингина, Шоҳимардон мақбараси ёнида калима қайтариб, тиловат қилинг. Яратган эгамдан тилагингизни сўранг. Дуолар ижобат бўладиган ер бу ер.

Биродарлар, бу дунёда ҳар бандани бир ҳожати бор. Ҳожати бор киши борки, ҳожатбарорига зор. Ҳожатингизни енгил қилган, кўнглингизни кўтарган кимса борки, хожатбарорингиздир. Лекин, Оллоҳдан улуғ ҳожатбарор йўқ. Масалан, фарзандталаб одамнинг ҳожатини Оллоҳдан ўзгаси раво қилолмайди.

Ихлос билан шунча йўл босиб келган тирноққа зор ака-укалар ҳам зиёрат бобида ҳамма йўл-йўриқларга амал қилдилар. Уч кеча-ю уч кундуз мақбара остонасига бош қўйиб ётишган ака-укалар пастга тушиб, таниш чойхоначи билан хушлашиб, кетмоққа ҳозирландилар. Шунда чойхоначи Бойбўри билан Бойсарини саволга тутди: — Ўзи ҳеч нарса сездингларми?

Улар елка қисишди. Бу ҳолни кўрган чойхоначи. — Яна бироз сабр қилинглар, акалар, — деди, — У киши борлар, у кишининг руҳлари тирик. Ўтиринглар, мен сизларга бир воқеани айтиб берай.

Бир замонлар, кунлар жуда исиб кетиб, тоғда қорлар эригандан эриб сув бу қишлоққа сел хавфини сола бошлади. Аҳоли селдан қўрқиб тепага — мақбара олдига чиқиб олади. Тун ярмидан оғиб кўпчиликни ғафлат босибди. Бедор қолган уч-тўрт кимса мақбарадан бир суворий шаклида чиқиб келган ёруғликни кўришибди. Суворий дарё ёқалаб юқорига ўрлаб кетибди. У тобора юқорилаб бориб, даранинг тепасида тўхтабди ва тоғнинг бир томонига қилич солибди. Хамирдай бўлиниб тушган тоғнинг бир қисми дарани босиб қолибди. Сув йўли тўсилиб, тепада кўл бино бўлибди. Сув тошиб кетмасин, деб, Шоҳимардон пиримиз тўсилган ернинг бу томонига беш панжаларини урибдилар. Шу бешпанжа Кўксувнинг бошланиши.

Чиқиб, Кўли Қуббонни томоша қилинг. Беш ердан чиқаётган булоқни кўринг. Пиримизга ихлосингиз янада ортади. Ихлос — халос, дейдилар. Шунча ердан машаққат чекиб келибсизлар, бирон бир нишона сезмагунча кетишни ўйламанглар.

Шу гап-сўздан кейин ака-ука қирқ кун ётишга қарор қилдилар. «Чин кўнгилдан йиғланса, сўқир кўздан ёш келар», деганларидай, ўттиз тўққиз кун ўтиб, кечаси иккалови ҳам бир хил туш кўришди:

Кўли Қуббон қирғоғида туришган эмиш. Кўлнинг ўртасидан Шоҳимардон пиримиз чиқиб келибдилар. Соч-соқоллари оппоқ, ўзлари оқ кийинган, оқ нурга чулғанган пиримиз қўлларидаги нақш олмани бўлиб, ярмини Бойбўрига, бу ярмини Бойсарига берибдилар. Бойбўрига: «Сен бир ўғил ва бир қиз кўрасан, ўғлинг алп бўлади, қалби юрт меҳри билан тўлади, исмини Ҳакимбек қўйгин!» Бойсарига: «Сен бир қиз кўрасан, исмини Барчиной атагин!» дебдилар. Бойсари: «Мен ўғил кўрмайманми?» деб сўрабди. «Ўғил Оллоҳнинг неъмати бўлса, қиз ҳам Оллоҳнинг марҳаматидир...» деб пиримиз ғойиб бўлибдилар.

Мақбара ёнида баробар уйғонишган ака-ука бири бирига ҳайрон термулиб туришганида дарвеш пайдо бўлибди.

— Ассалому-алайкум, яхшилар. Оладиганларингни олдилaрингми, олганларингиз муборак бўлсин. Зиёратингиз қабул бўлсин, муродингиз ҳосил бўлгани чин бўлсин! Омин, Оллоҳу акбар, — деб дарвеш дуо қилибди.

Ўқиганларни ҳам, эшитганларни ҳам Оллоҳ тўғри йўлдан адаштирмасин. Ла ҳавла ва ла қуввата, илла биллахил алийул азийм!

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси, таниқли шоир Охунжон Ҳакимовга умр йўлдоши

**Дилбархон ҲАКИМОВА**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

**Газетамизнинг навбатдаги сони 24 сентябрда чиқади.**

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
*НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ*

**Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ**
ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI
1999 йил

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91
*Танқид ва адабиётшунослик, санъат бўлимлари: 136-56-48*
*Назм-наср бўлими: 136-56-50*
*Ижтимоий бўлим: 136-55-78*

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*
*Навбатчи муҳаррир — Гулчеҳра УМАРОВА*

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.**
**Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй**
Босишга топшириш вақти—21.00. Босишга топширилди 19.30.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 0717. Ҳажми — 3 босма табоқ. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Тиражи—8840.